

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 9(142)
2024

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНING ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

Журнал
ALFRAGANUS UNIVERSITY
билан ҳамкорликда
нашр этилади

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 9 (142), 2024

ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 3 **Artiqova M.B., Abdullayev E.Z.** Bo'lajak o'qituvchilarni sun'iy intellekt vositasida o'quvchilarda tadqiqotchilik faoliyatini rivojlantirishga tayyorlash mazmuni va uning pedagogik ahamiyati

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

- 11 **Рахманова Д.Р.** Психологическое благополучие студентов: вызовы и решения в университетской среде (аналитический обзор научных источников)
- 16 **Kudratov A.I.** O'zbek psixologlari tadqiqotlarida ma'naviy ehtiyojlarni o'rganishning ilmiy-nazariy talqini

МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 22 **Mutallibjonov M.M.** O'qituvchining xulq-atvor madaniyati va tashqi ko'rinishini o'quv jarayonidagi ahamiyati (o'zbek adiblar asarlari misolida)
- 29 **Azimjonova Sh.D.-q.** Tillarni o'qitishda musiqaning ahamiyati

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- 36 **Otamirzayeva K.I.-q.** Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabalarining mutaxassis sifatida shakllanishi: ta'sir etuvchi omillar va kasbiy rivojlanish mezonlari

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ТАРБИЯ / ВОСПИТАНИЕ В УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ

- 44 **Султанов Х.Э.** Замонавий кластер ёндашуви ва "устоз-шогирд" анъаналари уйғунлигида тасвирий санъатдаги таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш
- 59 **Бадриддинова Д.Н.** Ўзбек халқ мақоллари ва маталларида нутқнинг беағда ҳамда мажозий фикрнинг қўлланилиши

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ / ПСИХОЛОГИЯ СЕМЬИ

- 65 **Salaxutdinova M.I.** Referent guruhlar, oila va uy xo'jaligining yoshlar iste'molchilik xulq-atvori shakllanishidagi ahamiyati

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

- 73 **ЁРҚИН ХОТИРА / СВЕТАЯ ПАМЯТЬ**
- 75

«Замонавий таълим» («Современное образование») журналари:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – <https://www.elibrary.ru/contents.asp?titleid=69592>

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/sovremennoe-obrazovanie-uzbekistan?i=1087840>

• Журнал Ўзбекистон илмий нашрлар ахборот тизими **UzScite**да жойлаштирилиб бормоқда. – <http://uzscite.uz/journals/sovremennoe-obrazovanie/>

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование»):

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ**. – <https://www.elibrary.ru/contents.asp?titleid=69592>

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/sovremennoe-obrazovanie-uzbekistan?i=1087840>

• Журнал размещается в Информационной системе научных журналов Узбекистана **UzScite**. – <http://uzscite.uz/journals/sovremennoe-obrazovanie/>

Султанов Хайтбой Эралиевич,

Чирчиқ давлат педагогика университети
“Тасвирий санъат ва дизайн” кафедраси
профессори вазифасини бажарувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

ЗАМОНАВИЙ КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ ВА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАЛАРИ УЙЁУНЛИГИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

УЎК: 371

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2024_ISSUE_9_7](https://doi.org/10.34920/so/vol_2024_issue_9_7)

СУЛТАНОВ Х.Э. ЗАМОНАВИЙ КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ ВА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАЛАРИ УЙЁУНЛИГИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тасвирий санъат ва дизайн таълими жараёнида кластер технологияларига асосланган ёндашувнинг мазмуни, структуравий модели, инновацион фаолиятнинг педагогик тавсифи ҳамда татбиқий механизмларининг афзалликларини “Устоз-шогирд” анъаналари билан уйғунликда қўллашнинг назарий ва амалий хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат. Шунингдек, тасвирий санъат таълимида талабалардаги илмий (тадқиқотчи), касбий (устозлик), ижодий (бадий маҳорат) кўникмаларининг шакллантириш учун инновацион кластер ёндашуви ҳамда миллий анъаналарга асосланган “Устоз-шогирд” тизими имкониятларидан унумли фойдаланиш мумкинлиги асосланади.

Таянч сўз ва тушунчалар: педагогика, тасвирий санъат, ижодий қobiliят, кластер ёндашуви, “Устоз-шогирд” тизими, индивидуал таълим, интеграция, ижодкорлик.

СУЛТАНОВ Х.Э. ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА ПО ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ В ГАРМОНИИ С СОВРЕМЕННЫМ КЛАСТЕРНЫМ ПОДХОДОМ И ТРАДИЦИЯМИ «НАСТАВНИК-УЧЕНИК»

В статье представляется развитие художественного мышления и творческих способностей студентов, обучающихся в педагогических вузах, поддерживающие традиционные методы обучения, формировавшиеся еще с древних времен, улучшение учебного процесса за счет новых инноваций, объединение современного кластерного подхода и традиции «наставник-ученик» для повышения эффективности развития учебной и научно-исследовательской деятельности студентов, рассмотрены некоторые проблемы, связанные с образованием, и возможности их решения. Анализируются преимущества и недостатки современного кластерного подхода и традиций «наставник-ученик», рассматривается модель образовательной организации. Также в его основе лежит возможность эффективного использования возможностей инновационного кластерного подхода и системы «наставник-ученик», основанной на нацио-

нальных традициях формирования научных (исследовательских), профессиональных (наставнических), творческих (художественных) навыков.

Ключевые слова и понятия: педагогика, изобразительное искусство, творческие способности, кластерный подход, система "наставник-ученик", индивидуальное обучение, интеграция, творчество.

SULTANOV KH.E. ORGANIZATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS IN FINE ARTS IN HARMONY WITH THE MODERN CLUSTER APPROACH AND TRADITIONS OF "MASTER-STUDENT"

The article presents the development of artistic thinking and creative abilities of students studying in pedagogical universities, supporting traditional teaching methods that have been formed since ancient times, improving the educational process through new innovations, combining the modern cluster approach and the «master-student» tradition to improve the efficiency of developing students' educational and research activities, and considers some problems related to education and the possibilities of solving them. The advantages and disadvantages of the modern cluster approach and the «master-student» tradition are analyzed, and a model of an educational organization is considered. It is also based on the possibility of effectively using the capabilities of the innovative cluster approach and the «master-student» system based on national traditions of developing scientific (research), professional (mentoring), and creative (artistic) skills.

Key words and concepts: pedagogy, fine arts, creativity, cluster approach, master-student, individual learning, integration, creativity.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги юксак технологиялар асрида ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш, бозор иқтисоди талабларига мос кўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг ахлоқий тарбияси, маънавий иммунитетини кучайтириш, дунёқараши, инсон онгининг олий маҳсули бўлган интеллектуал-ижодий компетенцияларини ривожлантириш муаммоси кун сайин долзарблашиб бормоқда. Мамлакатимизда амалиётга жорий этилаётган таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ҳужжатларда олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш¹, соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан

боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд². Бу эса ўз-ўзидан узлуксиз таълим тизимида янги ёндашув асосида бўлажак мутахассисларнинг нафақат касбий компетенцияларни, балки ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш, бадиий тасаввурини ривожлантириш, уларнинг илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Бу муаммолар ҳал этилишининг самарали йўлларида бири таълим-тарбияни кластер ёндашуви ва "Устоз-шогирд" анъаналари уйғунлигида ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ёндашув ўз навбатида узлуксиз таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш, таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этиш билан бирга аждодларимиз томонидан асрлар давомида шакллантириб келинган миллий анъаналарни сақлаб қолиш имконини беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.

Мақоланинг мақсади. Тасвирий санъат ва дизайн таълими жараёнида кластер технологияларига асосланган ёндашувнинг мазмуни, структуравий модели, инновацион фаолиятнинг педагогик тавсифи ҳамда татбиқий механизмларини нг афзалликларини анъанавий “Устоз-шогирд” анъаналари билан уйғунликда қўллашнинг назарий ва амалий хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Асосий қисм.

Тарихий манбалардан маълумки, инсоният тараққиётида тасвирий санъат катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳам бадиий таълим АҚШ, Германия, Япония, Франция, Россия, Хитой, Индонезия каби ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг муҳим жиҳати бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатларда тасвирий санъат орқали ёшлардаги ижодкорлик, маданий тарбия ва мулоқот қобилиятларини ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Тасвирий санъат талабаларимизга дунёга янгича қараш, уни чуқурроқ идрок этишни ўргатади, тасвирилар орқали ўзлигини ифода этиш ҳамда тасвирий санъат, дизайн санъати ва архитектура соҳасида келажакдаги касбий карьерасини яратишига ёрдам беради. Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувига асосланган ўқитиш технологияларини жорий этишнинг пухта ўйланган услубий тизими талабаларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш, ўқувчи ва талабаларнинг интеграл идроки, бадиий тасавури, ижодий тафаккури ва бошқа қобилиятларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Кластер ёндашувини воситасида такомиллаштирилган ўқитиш технологияларини бадиий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш тасвирий санъат таълимида сифат ва самарадорликнинг ошишининг ўзига хос педагогик кафолатидир.

1. Замоनावий кластер ёндашуви: таъриф ва тамойиллар.

Глобаллашув ва интеграциялашув шароитида бошқа соҳаларда бўлгани каби, тасвирий санъатни самарали ўқитиш учун янги технологияларга асосланган замоनावий усул ва ресурслар билан таъминланиши талаб этилади. Инновациялар асри деб аталаётган ушбу даврда олимларнинг таъкидлашича шу

касбни эгаллаган ҳар қандай мутахассис, ўқув жараёнини бойитиш учун замоनावий технологиялар ва ўқитиш усулларида фаол фойдаланиши керак¹. Ҳозирда амалиётга татбиқ этилаётган педагогик таълим инновацион кластери ёндашуви худди шундай усуллардан бири ҳисобланиб, замоनावий ўқитиш усуллари таълим-тарбия жараёнига жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, кластер тизими орқали янги технологияларнинг қўлланилиши, ижодий фаолият шаклининг хилма-хиллиги талабаларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларининг ошишига сабаб бўлади ва бу бола шахсияти шаклланишининг муҳим шарт ҳисобланади². Тасвирий санъат соҳасида педагогик инновацион таълим кластери фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳам қайсидир маънода мазкур йўналишда устоз-шогирд тизимида фаолият олиб боришни кўзда тутаяди ҳамда узлуксиз таълим тизимида қуйидаги масалаларни ҳал этишда ўз натижаларини беради:

- кластер ёндашуви орқали умумтаълим мактаблари ва санъатга ихтисослашган махсус мактабларда иқтидорли ёшларни излаб топиш, олий таълим тизимига мақсадли тайёрлаш ва келажакда тасвирий санъатдан малакали педагоглар, мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими таъминланади;

- профессор-ўқитувчилар, умумтаълим мактаби ўқитувчиси ҳамда талабалардан иборат жамоа узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъатни ўқитиш муаммоларига бағишланган комплекс илмий тадқиқот ишларига йўналтирилади;

- узлуксиз таълим учун янги авлод ўқув-услубий, илмий адабиётлар, дидактик материаллар мажмуасини яратишда ҳамкорлик ўрнатилади.

Таълим кластери - турли таълим муассасалари ва ташкилотларини бир тизимга бирлаштиришга асосланган таълимни таш-

¹ Амиров С. Н., Омаров Х. Г. Обучение изобразительному искусству, проблемы и некоторые пути их решения <https://cyberleninka.ru/article/n/obuchenie-izobrazitelnomu-iskusstvu-problemy-i-nekotorye-puti-ih-resheniya>

² Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисолида). // “Замоनावий таълим” илмий-оммабоп журнали, №4, 2016. -14 - 6.

кил этишнинг инновацион тадқиқот усули ҳисобланади. Таълим кластери маълум бир ҳудуд ёки иқтисодий сектордаги мактаблар, коллежлар, университетлар, илмий марказлар, корхоналар ва бошқа таълим муассасаларини бирлаштиради¹.

Бундан ташқари таълим кластери талабаларга ҳар томонлама ва хилма-хил таълим имкониятларини тақдим этиш учун ўқув жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлар тизими ҳамда таълим интеграциясини таъминлашга хизмат қилади. Кластер ёндашуви асосида ресурсларнинг интеграцияси ва мувофиқлаштирилиши туфайли талабаларнинг турли хил манбалардан фойдаланиш имкониятлари ошади. Бу талабанинг ҳар томонлама ривожланиши ҳамда таълимдаги инновацияларни рағбатлантирадиган янада мослашувчан ва хилма-хил таълим муҳитини яратиш имконини беради.

Тасвирий санъатдаги таълим кластерларининг моделларидан бири бу ўзаро интеграцияга асосланувчи таълим турлари ҳамда бир нечта бадий йўналишлар ва усулларни ягона таълим маконида бирлаштирган комплекс ёндашувдир. Интеграциялашган ёндашув графика, рангтасвир, композиция, миниатюра, амалий санъат, ҳайкалтарошлик, санъат тарихи, дизайн ва тасвирий санъатни ўқитиш методикаси каби турли хил мутахассислик фанларини ягона таълим майдонига бирлаштиришни ўз ичига олади. Бундай кластер талабаларнинг тасвирий санъат йўналиши бўйича ҳар томонлама чуқур билим олиши, ижодий жараён ва педагогик фаолият мазмунига кириб бориши ва тасаввурини янада кенгайтириш қулай педагогик муҳитни юзага келтиради. Олимлар бу ҳақида кластер ёндашуви турли фанларни тематик гуруҳларга бирлаштиришни ўз ичига олади, бу эса санъатни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради², деган фикрни билдиришади.

Афзалликлари: Тасвирий санъат йўналишида таълим-тарбия жараёнини кла-

стер ёндашуви асосида ташкил этиш қуйидаги **афзалликларни** беради.

- талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади;
- ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга нисбатан мотивацияни оширади;
- таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантиради;
- ўқитувчининг устоз сифатида индивидуал таълимни ташкил этиши, талабаларда эса касбий-ижодий билим олиш учун фаоллашишни рағбатлантиради.

Камчилиги:

- ҳамкорликдаги барча субъектларнинг бир маромда ишлаш имконияти йўқлиги;
- кластер усулининг доимий ишлайдиган аниқ механизмининг мавжуд эмаслиги.

Демак, кластер тизими кенг миқёсда қаралганда жуғрофий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган компаниялар ва тегишли ташкилот гуруҳларининг умумий фаолият билан ажралиб турадиган, шу билан бирга бир-бирини тўлдирадиган маълум бир соҳадаги ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Торроқ доирада олиб қаралганда эса бир ёки бир неча таълим йўналишларида фанлараро ёки фанлар ичида, бир нечта жамоалар ўртасида ёки бир жамоанинг ичидаги турли иштирокчиларнинг бир мақсад йўлида бирикуви дейиш мумкин. Ҳамкорликдаги бундай фаолият ўзаро алоқадорликни кучайтириши билан бирга кадрлар тайёрлаш сифатини ҳам оширади. Фикримизча, педагогик таълимда ҳам узлуксиз таълим тизимидаги муассасалар ва маҳаллалар ҳамкорлиги, маҳаллий ва хорижий ОТМлар, университет ичида турли йўналишлар ўртасидаги ҳамкорлик, фанлараро, бир йўналиш ичида таълим-тарбияни ташкил этишда кластер ёндашувини татбиқ этиш орқали улар фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятлари мавжуд.

Замонавий тадқиқот ишлари хорижий тажрибалар ва маҳаллий узлуксиз таълимда мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ушбу тизимга янгича ёндашувларни татбиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда. Юқорида таъкидланганидек, таълимга бундай ёндашув фақатгина битта таълим муассасаси ёки алоҳида фан доирасидагина эмас, балки, бутун узлуксиз таълим тизими ҳамда фан-

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2024, 9 (142)

¹ <https://alfacasting.ru/faq/cto-takoe-obrazovatelnyi-klaster>

² Шмелева Н. В., Саймиддинов А. К. Современное искусство в контексте практик преподавания: проблемы и перспективы // Art history and Culture / Juvenis scientia 2019 № 8. Стр. – 27-30. <https://pdfs.semanticscholar.org/3bec/9b37ebe215715b15564235e49c1c0ab1a588.pdf>

лараро, фанлар ичидаги муаммолар ечимини топишга хизмат қилиши мумкин. Биз ўз тадқиқотимизда кластер ёндашувини педагогика университетининг тасвирий санъат ва дизайн йўналишларидаги таълим-тарбия жараёнларига татбиқ этиш тажрибаларини ўрганамиз. Таълимдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимдаги вертикал интеграцияни мустаҳкамлайди, барча субъектларнинг таълим жараёнидаги фаол иштирокини таъминлайди, энг муҳими барча бўғинлардаги малакали кадрлар масаласининг ижобий ҳал қилинишига ёрдам беради.

Амалиётда қўллаш учун мисоллар.

Ўтган асрнинг охири чорагидан бошлаб кўплаб мамлакатларда таълим соҳасида кластер дастурларини амалиётда қўллаш тажрибаси кузатилади ва бу муваффақиятли натижалар бериб келмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда таълим тизимининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида таълим кластери усулидан фойдаланиш тобора оммалашиб бораёпти.

Масалан: Финляндияда инновацион таълим дастурларини яратиш ва қўшма тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган таълим кластерлари мактаблар, университетлар ва тадқиқот марказларини бирлаштиради, бу эса таълим сифатини ошириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради¹.

АҚШда таълим кластерлари кўпинча университетлар ва саноат ўртасидаги ҳамкорликни ўз ичига олади. Энг рақобатбардош таълим кластерлари айнан Калифорния, Нью-Йорк, Массачусетс, Пенсильвания, Нью-Жерси ва бошқа штатлар ҳудудида жойлашган бўлиб, бугунги кунда ҳам ушбу соҳада АҚШ барқарор етакчи бўлиб қолмоқда. Кластер ёндашувига асосланган бундай ҳамкорлик талабаларга амалий кўникма ва тажриба орттиришга ёрдам беради ва инновация ҳамда технологияни

тарғиб қилади². Германияда касб-ҳунар таълими ва саноатни бирлаштириш учун кластер усули қўлланилади. Бу талабаларга меҳнат бозорида талаб қилинадиган замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиш, корхоналарга малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради³. Япониядаги таълим кластерлари мактаблар, университетлар ва технология компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни ўз ичига олади. Бу илмий тадқиқотлар ва инновацияларни ривожлантиришга, шунингдек, юқори технологиялар соҳасида мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади⁴. Ижодий ҳамда ноодатий фикрлайдиган, баркамол ва тўлақонли шахсни тарбиялашга қаратилган таълим кластерларини шакллантиришда йирик миллий университетларнинг фаол иштирокига катта аҳамият қаратилиши бўйича Япония АҚШ усулига жуда яқин йўл тутди. Токио ҳудудида Япония университетлари умумий сонининг бешдан бир қисмини ташкил қилувчи 120 дан ортиқ университетлар мавжуд бўлиб, кластер ҳамкорлиги доирасида бу мамлакатда энг йирик саноат шаҳарсозлик мажмуаси, жаҳонга машҳур молия маркази ва янги технологиялар маркази яратилишига ҳисса қўшди⁵. Бу ерда тадқиқотчилар ва инновацион жараённинг бошқа иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик қилиш учун тадқиқот тармоғини яратиш энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Олимлар томонидан яна бир қатор ривожланаётган мамлакатларда (Сингапур, Хитой, Венгрия, Польша, Чехия ва мамлакатлар) ташкил этилган таълим кластерлари ҳам тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги таъ-

² Бейзеров В.А. Кластерный подход к развитию образовательных систем как способ повышения конкурентоспособности образования стран и регионов // Известия Гомельского государственного университета имени Ф. Скорины, № 5 (92), 2015. - <https://core.ac.uk/download/pdf/76001331.pdf>

³ Сеницына С.В., Зырянова Н.И. Значение кластерного подхода в профессиональном образовании https://elar.rsvpu.ru/bitstream/123456789/39206/1/avsorpo_2020_4_031.pdf

⁴ <https://nsportal.ru/shkola/administrirovanie-shkoly/library/2017/04/04/klasternyy-podhod-k-razvitiyu-obrazovatel'nogo>

⁵ Ou Syaoszun Исследование развития университетских кластеров высокого уровня в районе Большого залива мирового класса: на примере Нью-Йорка, Сан-Франциско и Токио // Журнал Сычуаньского университета науки и технологий (издание по социальным наукам). - 2018. - №33. - с. 83-100.

¹ Данилов С.В. Кластерный подход как методологическая основа управления инновационными процессами в системе образования // Научное обозрение. Педагогические науки. – 2017. – № 5. – С. 42-59; URL: <https://science-pedagogy.ru/ru/article/view?id=1665> (дата обращения: 02.07.2024).

кидланади¹. Хитой давлатида кластер ёндашуви асосланган университетлар, илмий-тадқиқот муассасалари, турли соҳа компаниялари, венчур фондлари каби воситачи тузилмалар ўртасида ўзига хос стратегик ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилган. Ўз ўрнида мана шундай ўзаро ҳамкорлик мамлакат тараққиётида юқори сифатли таълим хизматларининг улушини оширди². Россия Федерациясида³ кластер сиёсатини амалга оширишда «аралаш» модел самаралироқ бўлиб, у бир томондан, кластерларни шакллантиришда минтақаларнинг ўзи ва минтақавий компанияларнинг фаоллигига, бошқа томондан федерал органлар томонидан кластер ташаббусларини қўллаб-қувватлашига эътибор кўпроқ қаратилади⁴. Белоруссияда ҳам хорижий тажрибаларга асосланиб таълим тизимини модернизация қилиш учун тармоқдаги етакчи олий таълим муассасаси сифатида БГПУ бошқарув ядроси бўлган ўқув, илмий ва инновацион кластер яратилган⁵ ҳамда мамлакатда инновацион кластер ёндашувлардан кенг фойдаланиб келинаётганлигини эътироф этиш

мумкин. Бу мисоллар кластер ёндашуви таълим тизимларини ривожлантиришга ва уларнинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини оширишга қандай ҳисса қўшиб келаётганлигини кўрсатади.

Албатта, илғор хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланиб келинаётган таълимга нисбатан инновацион ёндашув бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Охирги беш йилликда Ўзбекистонда ҳам инновацион ёндашув сифатида таълим кластери ривожлана бошлади. Айниқса, янги ташкил этилган ОТМлардан бири Чирчиқ давлат педагогика университетида қисқа муддат давомида таълим кластерининг назарий ва амалий асосларини шакллантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилиб, ушбу мавзуда анчагина илмий-тадқиқот ишлари бажарилди⁶.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бу борада биринчи пойдевор қўйилиб, таълим кластерлари ҳақида умумий тушунчалар ҳосил қилинган бўлсада, уни янада торроқ йўналишларда синчиклаб ўрганиш, уни амалиётга татбиқ этиш учун эҳтиёж жуда юқори. Инновацион кластер ёндашуви таълимдаги ички ва тармоқлараро алоқадорликни таъминлайди, тўпланган илмий-тадқиқот, илмий-методик тажрибалар ва эришилган илмий ютуқларни таълим ҳамда ижтимоий иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига тезкор етиб боришини самарали амалга оширади⁷. Лекин, шуни унутмаслигимиз керак-ки, замонавий усуллар тарихий тажрибалар билан бирга қўлланилишида аниқ ижобий натижага эришиш мумкин. Илғор хорижий тажрибаларни юртимизда мавжуд бўлган анъаналар билан уйғунлаштирган ҳолда мамлакатимизда кластер ёндашувининг миллий моделини яратиш бугунги давр талаби бўлиб

¹ Ксенофонтова О.Л. Опыт зарубежных стран по созданию и функционированию кластеров: модельный подход // Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. - 2015. - №2(42). - с. 39.

² Ketova, N.P., & Vey, S. (2021) Educational clusters in Russia and China: formation, management, development strategies. *Creative Economy*, 15(2), 393-410. doi: 10.18334/ce.15.2.111647 (in Russian).

³ Ketova, N.P., & Vey, S. (2021) Educational clusters in Russia and China: formation, management, development strategies. *Creative Economy*, 15(2), 393-410. doi: 10.18334/ce.15.2.111647 (in Russian).

– <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnye-territorialnye-obrazovatelnye-klastery-zarubezhnyy-i-otechestvennyy-opyt#:> Г. У. Матушанский, Р. Р. Гарифуллина, Р.Ф. Бакеева. Инновационные территориальные образовательные кластеры: зарубежный и отечественный опыт.

– Стенякова Н.Е., Груздова О.Г. Кластерная модель организации партнерства образовательных учреждений // Интернет-журнал «Мир науки» 2017, Том 5, номер 5 <https://mir-nauki.com/PDF/56PDMN517.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ.

⁴ Ксенофонтова О.Л. Опыт зарубежных стран по созданию и функционированию кластеров: модельный подход // Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. - 2015. - №2(42). - с. 39.

⁵ <https://bspu.by/klaster/>

– Бейзеров В.А. Кластерный подход к развитию образовательных систем как способ повышения конкурентоспособности образования стран и регионов / Известия Гомельского государственного университета имени Ф. Скорины, № 5 (92), 2015. –стр.10-14.;

⁶ Mukhamedov G., Khodjamkulov U., Shofkorov A. & Makhmudov K. (2020). Pedagogical education cluster: content and form. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 1(81), 250-257. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS;>

Ходжамкулов У.Н. (2020). Педагогик таълим инновацион кластери (Ўзбекистон таълим тизими мисолида). *Academic research in educational sciences*, (4), 537-547.

⁷ Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6586-6591.

қолмоқда. Бу ерда замонавий кластер ёндашуви ва аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган “Устоз-шогирд” анъаналари уйғунлигида билим ва тажрибани ўқитувчидан шогирдга ўтказиш анъаналарини сақлаб қолиш жуда муҳим.

2. Устоз-шогирд анъанаси.

Таълимнинг ушбу шаклидан бутун дунёда инсонлар қадим замонлардан буён самарали фойдаланиб келишган ва ушбу фаолият ёшларга таълим-тарбия беришнинг тажрибали кекса авлод томонидан амалга ошириладиган энг қулай усули сифатида қабул қилинади. Психологик нуқтаи назардан хорижий педагогларининг фикрича, “Устоз-шогирд” тизими, касбий тажриба ва ахлоқий меъёрларни ёшларга етказиш учун икки авлод ўртасидаги ишончли узвий муносабат¹ сифатида қаралади. Тажрибали инсонлар ва ҳаёт сўқмоқларига энди кириб келган навқирон авлод вакиллари, маҳоратли касб эгаси ва илм олиш, касб-ҳунар ўрганишни мақсад қилган ёшлар ўртасидаги бундай муносабат ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, илм-фан ва ҳунарга нисбатан қизиқишни оширади. Шарқда ҳам азалдан касб-ҳунар улуғланган, устоз-шогирд одоби ва устознинг шогирдга нисбатан қаттиққўл, шу билан бирга меҳр-оқибатли бўлиши талаб этилган. Буюк алломаларимиз доимо касбга эга бўлиш, илм олиш, саводли бўлиб ҳаёт кечирishга даъват этиб келганлар². Халқимизда “Устоз отангдек улуғ”, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, “Устознинг билими – шогирднинг илми”, “Устозсиз шогирд – жонсиз кесак” ва бошқа кўплаб мақоллар устоз-шогирд муносабатининг қанчалик улуғлигини кўрсатиб турибди. Ушбу анъана ота-боболаримиздан мерос бўлиб, асрлар мобайнида таълим-тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб келган ва ҳозирги кунга қадар ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган. Халқимизда устоз ва шогирдлик одоби, қадрияти, мулоқот шартлари ана шундай ёзилмаган қонунлар шаклида ривожланиб, оммалашиб, такомил-

лашиб келаётир. Бирон бир касб эгаси йўқки, у устоз кўриб камолга етмаган бўлсин. Айнан шу йўл билан ёш авлод амалий билимлар, одоб-ахлоқ, касбий малака, жамиятда ўзини тута билиш, меҳнат қуроллари билан ишлаш кўникмаларини эгаллайди.

“Устоз-шогирд” анъаналарини педагогикадаги янги инновацион ёндашувлар уйғунлигида амалиётга татбиқ этиш зарурати бугунги кун учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Бу нодир анъана мамлакатни, юртни юксалтириш, шундай бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир³. Ушбу анъанадан ёшларни тасвирий ва амалий санъат орқали ижодкорликка йўналтириш жараёнида ҳам аждодларимиз томонидан самарали усул сифатида фойдаланиб келинган.

Қўлланиш услублари.

Бугунги кунда ҳам миллий қадриятлар сифатида бу анъана ҳукумат миқёсида қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Олий таълим муассасаси стратегик режасида белгиланган мавзулар бўйича талабалар билан устоз-шогирд тизимида илмий-тадқиқот ишларини бажариш, уларнинг илмий-ижодий ишларига раҳбарлик қилиш, ота-оналари билан бирга уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш⁴га катта эътибор қаратилганлигини кўрамыз. Чунки турли ахборот хуружи кучайган бугунги инновациялар асрида ёшлар таълим-тарбияси учун таълим муассасасидаги устоз – оилада ота-она – жамиятда маҳалла раҳбарлари кўринишидаги ҳамкорлик жуда муҳим. Устоз-шогирд тизимида натижага эришишнинг муҳим тарки-

³ Султанов, Хайтбой Эралиевич. «Нозима Комил қизи Маърифхўжаева, Юнусова Камола. Устоз-шогирд анъанаси бардавом: анъана янги кўринишда. / Международная научно-техническая конференции “Проблемы и решения интеграции изобразительного искусства и инженерной графики с другими дисциплинами”.» (2020): 248-251.

⁴ Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 ноябрдаги 44-2021-сонли буйруғи (рўйхат рақами 3076-1, 22.12.2021 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.12.2021 й., 10/21/3076-1/1181-сон); (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2018 й., 10/18/3076/2007-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.12.2021 й., 10/21/3076-1/1181-сон)

¹ <https://didacts.ru/termin/nastavnichestvo.html#>:

² Маликова Д.Қ. Шарқ мамлакатларида “устоз-шогирд”лик анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши // «Science and Education» Scientific Journal / ISSN 2181-0842 April 2022 / Volume 3 Issue 4/ 1753 б.

бий қисми бу таълимга индивидуал ёндашув ҳисобланади. Янги ўқишга қабул қилинган талабанинг олий таълим муассасасидаги шароитга мослашиши, вақтини тўғри тақсимлашга ўрганиши, касбий мустақил ижодий фаолиятини бошлашнинг илк даврида турли англашилмовчилик ва қийинчиликларга дуч келганда, улар учун устознинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва кўмаги зарур бўлади. Индивидуал маслаҳатлашувлар ва тавсиялар улардаги қийинчиликларни, ижодий тўсиқларни енгиш ва танқидий фикрлашини ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир устоз талабалар билан ўз тажрибалари ҳақида ўртоқлаша олади, ўқув жараёнини ташкил этиш, келгусидаги педагогик фаолиятида ўқувчилар билан ўзаро муносабатни йўлга қўйиш ва инновацион усуллардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Бадий таълим амалиётига тавсия этилаётган Устоз-шогирд тизимининг қуйидаги **афзалликлари** мавжуд:

- мураббий ўз билими ва тажрибаси билан ўртоқлашади, бу эса талабага янги кўникмаларни тезда ўрганишга ва кенг тарқалган хатолардан қочишга ёрдам беради¹;
- қизиқиши ва лаёқати доирасида талаба билан индивидуал ишлаш йўналиши танланади, бу эса натижадорликни таъминлайди;
- турли фаолиятда талабаларга иқтидорларини намоён этиш имкониятини кенгайтиради;
- устознинг хайрихоҳлиги ҳамда қўллаб-қувватлашини ҳис қилиш талабада ушбу фаолиятни уddалашига нисбатан ишонч ва мотивацияни кучайтиради
- устознинг қўллаб-қувватлаши талабанинг жамоага тез мослашишини таъминлайди.

Камчилиги: Талабанинг барча ишда узтозига суяниб қолиши унинг эркин фикрлаши ва ҳаракатини чеклаб қўйиши ҳам мумкин.

3. Интеграцион ёндашув.

Энг яхши натижаларга эришиш учун кластер ёндашуви ва устоз-шогирд аънарасини бирлаштиришдаги қўлланиладиган **усуллар синергияси:** тасвирий санъат ўқитувчисига атроф-муҳитни ўраб турган табиат, инсон

ва унинг фаолияти туфайли пайдо бўлган гўзалликлар, ранг-тус ва шакл уйғунлиги ҳамда унинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида билим бериш, ижодий асарлар яратиш, бадий образларни таҳлил қилиш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш вазифаси қўйилади. Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашувини қарор топтириш ҳамда ўқитиш технологияларини жорий этиш ўқитувчининг педагогик ижодкорлигини фаоллаштиради. Таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш шартларини янада аниқлаштириш, олий таълимда ягона ижодкорлик муҳитини яратишга хизмат қилади. Талабалардаги ўзига нисбатан ишонч, масъулиятни ҳис қилган ҳолда мустақил ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантириш, фанлараро интеграцияни амалга ошириш, ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш механизмлари, усуллари, технологияларини амалиётга татбиқ этиш учун қулай таълимий муҳитни юзага келтиради².

Устоз-шогирд аъналарига асосланган тизим барча иштирокчилар - ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар, ҳудудий корхона ходимлари, ёш мутахассисларнинг ўз имкониятларини тўла намоён этиши учун самарали муҳит яратади. Тайёр билимнинг берилмаслиги, уни жамоа бўлиб ёки мустақил изланишлар, тинимсиз меҳнат орқали эришиш мумкинлиги ҳақида тажрибали ва намуна сифатида қараладиган устозлар томонидан айтилганда талабалар бу сўзларнинг маъносини тезроқ идрок этишади.


Юқорида қайд этилган таклиф - инновацион ёндашув сифатида қабул қилинаётган таълим кластери ва аждоқларимиздан мерос бўлиб келган устоз-шогирд аънарасини қандай бирлаштириш мумкин? - деган савол туғилади. Фикримизча, буни қуйидаги модел кўринишида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Педагогика олий таълим муассасалари тасвирий санъат йўналишидаги ўқув-услубий,

² Султанов Х.Э. Кластер ёндашуви орқали тасвирий санъат таълимида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш имкониятлари // San'atshunoslikning dolzarb masalalari: muammo va yechimlar // Respublika ilmiy-nazariy konferensiya to'plami/ T: -O'zDSMI. -2024. -100-110 b.

¹ <https://practicum.yandex.ru/blog/nastavnichestvo-v-obrazovanii/>

2-расм. Кластер ёндашуви ҳамда “Устоз-шогирд” анъаналари уйғунлигида таълим-тарбияни ташкил этиш модели.



илмий-тадқиқот, ижодий ва маънавий-ташқилий фаолиятдан иборат таълим-тарбия жараёнини кластер ёндашуви ҳамда “Устоз-шогирд” анъаналари уйғунлигида ташкил этиш мумкин. Бунинг учун аввало, “Устоз-шогирд” тизимида:

- талабаларнинг маънавий юксалишига таъсир кўрсатувчи “тарбиявий муҳит”;
- ижтимоий мослашув ва педагог ҳамда талаба ўртасида ўзаро ишонч пайдо қилувчи “самимий муносабат”;
- юксак мақсадларга интилишида ёшлар учун идеал шахс образини яратишга хиз-

мат қиладиган педагогнинг “шахсий намуна” кўрсатиши аждодлар мероси анъаналарни сақлаб қолиш билан бирга уни ривожлантиришга хизмат қилади.

Кластер ёндашуви асосида эса:

- таълим жараёнидаги ҳар бир иштирокчининг шахсий манфаатидан келиб чиқиб “умумий мақсад” қўйилишига эришилади;
- ўқув, илмий-тадқиқот, ижодий ва маънавий-ташқилий йўналишлар фаолиятини ташкил этишда, фанлар ичида ҳамда фанлараро “интеграцион ҳамкорлик” йўлга қўйилади;

– кластер ёндашуви ўз-ўзидан “инновацион фаолият”ни қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, бу икки ёндашув ҳам:

- таълим сифати ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган “ижодий муҳит”ни;

- талабанинг шахсий эҳтиёжи, қизиқиши ва лаёқатидан келиб чиқиб уларнинг имкониятларини кенгайтирадиган, таълим-тарбия натижадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган “индивидуал таълим муҳити” яратилишини қўллаб-қувватлайди. Қайсидир жараёнларда бир-бирини тўлдиради, устоз ва талаба ўртасида ҳамда талабаларнинг ўзаро тажриба алмашилиш имкониятини кенгайтиради, таълим ҳамда тарбия жараёнларидаги фаолиятни бириктиради. Илм-фан, таълим-тарбия ҳамда ишлаб чиқариш жараёни субъектларини бирлаштириб, ўзаро интеграцион алоқадорликни кучайтиради.

Ушбу ёндашув самарадорлигини Чирчиқ давлат педагогика университети тасвирий санъат ва дизайн йўналишида амалиётга татбиқ этилаётган кластер ёндашуви мисолида кўриб чиқсак бўлади. Университет стратегик йўналишига мос равишда кафедра педагогик таълим инновацион кластер моделини амалиётга татбиқ этишни ўзининг асосий мақсади этиб белгилаган ва унинг стратегиядаги миссияси университет халқаро имиджини яратиш, инвестициявий жозибadorлигини ошириш ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашда жамоанинг муносиб ҳиссасини қўшишдан иборат. Кафедра фаолияти узлуксиз педагогик таълим тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларига қаратилган:

- тасвирий санъат, дизайн ва чизмачилик фанини ўқитишнинг мазмуни ва мақсадларини таълим мутахассислари касбий компетентлигига доир ижтимоий ва иқтисодий талаблар асосида доимий янгилаб бориш;

- кластер ёндашуви асосида педагогик таълим сифатини оширишга қаратилган фанлараро ва таълим тармоқларини интеграциялаш имкониятларини тадқиқ қилиш, уни амалиётга татбиқ этиш.

Фанлараро ва таълим тармоқларини интеграциялаш имкониятлари, “Устоз-шогирд” анъаналарига асосланган индивидуал таълим

ҳамда мустақил таълимни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш, узлуксиз педагогик таълимнинг мазмун ва мақсадини янгилаш кафедрада амалга ошириладиган илмий-ижодий тадқиқотлар мазмунини ифодалайди. Кафедрада **“ArtInnova” интеграцион илмий-ижодий тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатади**. Юқори салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчи-магистр-бакалавр талаба тизимида координатор-модератор-оператор шаклида илмий-ижодий йўналиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотчилар жамоаси шакллантирилган. Бу жамоага шунингдек, профессионал рассом-дизайнерлар, умумтаълим мактаби, мусиқа ва санъат мактабларининг юқори касбий салоҳиятга эга мутахассислари жалб этилган.

Тадқиқот марказининг асосий вазифалари:

- кластер ёндашуви асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси учун қулай шароит, талабаларни илмий-ижодий фаоллаштириш учун “ижодий муҳит” яратиш, илмий иждодий тўғараклар фаолиятини кўпайтириш, унга талабаларни жалб қилиш кўламини кенгайтириш;


- “Устоз-шогирд” тизимида таълим кластери бўйича олиб борилаётган илмий-ижодий тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш, марказ фаолияти орқали тадқиқот натижаларини амалда синаб кўриш ва уни амалиётга жорий қилиш механизминини ишлаб чиқиш;

- назарий билимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган талабаларнинг ўқувчилар ва иш билан банд бўлмаган маҳалла ёшлари билан ишлашлари учун “Арт-студия” ўқув маркази фаолиятини такомиллаштириш;

- “Талаба-талабага шогирд, талаба-талабага устоз” тамойили асосидаги “Ўргатиб-ўрганамиз” лойиҳаси ҳамда “Арт-терапия” лойиҳаси орқали талабаларни янги билимларни эгаллашга фаоллаштириш, фан, таълим-тарбия, бадий иждод ва бунёдкорлик соҳасидаги ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватладиган ҳамкорликдаги илмий-ижодий фаолиятини йўлга қўйишдан иборат.

Бу ерда кластер ёндашувининг ўқув-услубий ва илмий тадқиқот йўналиши, умуман олганда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга қаратилган вертикал тизим

2-расм. Кластер ёндашувига асосланган талабаларни илмий, касбий, ижодий фаолиятга йўналтиришнинг вертикал тизими схемаси.



(2-расм) ишлайди. Ўқувчи-талаба-тадқиқотчи-педагог олим шаклида илмий фаолиятга йўналтирилади, ўқувчи-талаба-услубчи педагог тизимида малакали ўқитувчи тайёрланса, ижодий йўналишда эса иқтидорли ўқувчи-ижодкор талаба-педагог-профессионал рассом тизимида ўқитувчи жамиятда мустақам ўрнини топиши учун қўшимча имконият яратилади. Ушбу модель инновацион ёндашув сифатида қабул қилинаётган кластер ёндашуви билан бирга аждодларимиздан мерос сифатида "Устоз-шогирд" аънаналарининг уйғунлигини таъминлаш тамойилига асосланади.

"ArtInnova" интеграцион илмий-ижодий тадқиқотлар марказида амалиётга татбиқ этиладиган "Талаба-талабага шогирд, талаба-талабага устоз" тамойили асосидаги "Ўргатиб-ўрганамиз" лойиҳаси эса кластер ёндашувининг горизонтал шакли бўлиши билан бирга талабалардаги илмий (тадқиқотчи), касбий (устозлик), ижодий (бадий маҳорат) кўникмаларининг ривожланишига олиб келади.

Кафедрада 2019 йилдан буён ҳар йили аънавий тарзда кластер ҳамкорлиги доирасида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари билан бирга "Педагогик синергия" илмий-амалий семинарлари (офлайн-онлайн) таш-

кил этиб келинади. 2020 йилдан махсус санъат мактаблари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этадиган "Камалак-АРТ" ижодий фестивали ўтказиб келинмоқда. Университетда мактаб ўқувчиларининг, мактабда эса талабаларнинг тасвирий санъат бўйича ижодий кўргазмалари ташкил этиш йўлга қўйилган. Бу тадбирлар биринчидан узлуксиз таълимдаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишга хизмат қилса, иккинчидан, бадий таълим жозибадорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни педагогик касби ҳамда тасвирий санъатга қизиқтириш вазифасини бажаради. Кластер ёндашувига асосланган талабаларни илмий, касбий, ижодий фаолиятга йўналтиришнинг вертикал тизими (2-расм) қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- университетга ўқишга кирган даврдан суҳбат, кузатув, педагогик-психологик сўровнома ва тестлар орқали қизиқиши ва лаёқатига қараб талаба билан ишлашнинг аниқ имкониятлари ўрганилади;

- ўқувчилик даврдан ушбу жараён иштирокчиси бўлган, эндиликда университет талабаси мойиллигига қараб ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ижодий-тадбиркорлик каби горизонтал тизимдаги урта фаолиятга йўналтирилади ҳамда "Устоз-шогирд" тизи-

мида профессор-ўқитувчиларга бириктирилади;

– илмий, касбий ёки ижодий йўналишни танлаган талабалар учун устозлар раҳбарлигида илмий тадқиқотчи, ўқитувчи-услугчи, ижодкор рассом фаолият тури бўйича торроқ доирада билим олиш имконияти яратилади;

– ўз иқтидори ва имкониятига кўра талаба ўқиш даврида келажакдаги ОТМ, илмий марказлар, мактаб ва коллежлар ёки эркин ижодкор, хусусий тадбиркорлик йўналишлари бўйича иш фаолиятини давом эттириши мумкинлигини аниқ билиб боради.

Кўриниб турибдики, **“ArtInnova” интеграцион илмий-ижодий тадқиқотлар маркази фаолияти орқали** мактаб ўқувчиси ҳамда ўқитувчисидан тортиб, талаба ва университет профессор-ўқитувчиларининг узвий ҳаракатлари занжири ҳосил қилинган. Ўқитувчи талабаларни ижодкорликка йўналтириш билан бирга уларнинг “Арт-студия” ўқув марказида мини тўғараклардаги раҳбарлиги орқали мактаб ўқувчиларини ҳам ижодий, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялашлари учун имконият яратиб беради. Ўқувчилар эса юқори курс талабаларининг пастки курс талабаларига бевосита ўз тажрибалари асосида ўзи шуғулланаётган ижодий фаолият бўйича маълумотларни интернет сайтларидан қандай топиш кераклиги, ишни босқичма-босқич бажариш қоидаларини ўргатаётганининг гувоҳи бўлади. Ўқувчи ижод қилиш, ундаги қийинчиликларни ҳис қилиш, ўз ижод маҳсулини кўргазмага тайёрлаш учун бадиий безаш ва кўргазмалар уюштириш кетма-кетлигини ўзига нисбатан тажрибали акалари, опалари билан биргаликда бажаради. Тажрибали ўқитувчилар, маҳоратли рассом, амалий безак санъати усталари иштирокида оддий эскизнинг муҳокамасидан бошланган ижодий жараён, иқтидорли талабалар ва ўқувчилар ҳамда устоз мураббийларнинг тугалланган рангасвир композициялари, амалий санъат буюмлари тақдиротиғача давом этади. Бунда ижодкор шогирд нафақат ижод қилиш сирларини, балки, ўз иши ва бошқаларнинг асарларини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини мушоҳада қилиш ҳамда ижодий тафаккур қилиш йўлларини ҳам ўрганади. ОТМ вакили, педагог олим, профес-

сионал рассом, талаба, мактаб ўқитувчиси ва ўқувчиси иштирок этадиган таълим кластери асосидаги бу ижодий муҳит “Устоз-шогирд” тизимининг давомийлигини ҳам таъминлайди. “Эшитдим-кўрдим-бажардим” тамойилига асосланган илмий-тадқиқот ва ижодий жараён, ундаги иштирокчиларни ҳам илмий-ижодий, ҳам маънавий жиҳатдан тарбияланиб боришлари учун қулай шароит яратади.

Мана шундай интеграция қадимий анъаналар инновацион усуллар билан тўйинтирилган муҳитда кластер ёндашувини татбиқ этиш ёш тасвирий санъат ўқитувчиларига тажрибали ҳамкасбларнинг тажрибаси ва билимларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Кластер усулининг тасвирий санъат соҳасига интеграциялашуви талабаларнинг янада самарали таълим олиши ва ривожланиши учун янги имкониятлар яратади, илмий-тадқиқот, таълим-тарбия жараёнида талабаларни ҳар томонлама фаоллаштириш ҳамда соҳага оид билимларни эгаллаш, ижодий ривожланишга нисбатан мотивациясини оширишга хизмат қилади, ушбу жараён иштирокчиларини ҳамкорликда ишлашга рағбатлантиради.

Кластер ёндашуви таълимни индивидуаллаштириш, тасвирий санъат турларининг узвийлиги ва узлуксизлиги ҳамда фанлар ичида ва фанлараро мантиқий алоқадорликка асосланган интеграцияни таъминлайди. Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган “Устоз-шогирд” анъаналари асосида таълим-тарбияни ташкил этиш имкониятини кенгайтиради. Бу жараёнда устозлар ўзларининг касбий маҳоратлари, ўқитиш ва ижодий ишлаш услубларини талабаларга бевосита етказадилар. Бу эса маълум даражада ёш ўқитувчилардаги билим ва касбий малакаларини оширишни таъминлайди. Бундан ташқари, тажриба алмашиш ижодий фикрлашни ва ўқитишда янги ғояларни излашга нисбатан рағбат уйғотади. Тасвирий санъат ва дизайн кафедраси ташаббуси ҳисобланган “Педагогик таълим инновацион кластер моделларини амалиётга татбиқ этиш” мавзуси бўйича “педагогик синергия” илмий-амалий семинарларида бир неча йиллар давомида амалга оширилган ишларни ўрганиш, таҳлил қилишга оид сўровномалар ўтказиб келинди.

Педагогик таълим инновацион кластери ҳамкорлиги иштирокчилари бўлган умум-
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2024, 9 (142)

таълим ва мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, факультет талабалари ўртасида ўтказилган сўровномада узлуксиз таълим тизими ҳамда фанлараро интеграциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини билиш даражаси юқори эканлигини кўрсатди. Сўровнома таҳлилларидан аён бўлдики, респондентларнинг аксарияти олий ва ўрта таълим мактабларининг ўзаро ҳамкорлиги, фанлараро интеграция жараёни умумий таълим майдонини кенгайтириб, таълим сифатини оширади деган фикрда эканлиги маълум бўлди. Бу ўз навбатида ўзаро алоқага кирувчи барча фанлар учун манфаатли, фан ўқитувчилари учун эса тажриба ва фикр алмашишларида қулай имкониятлар яратишини кўрсатди.

Университет замонавий мактаб ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси ва уни такомиллаштиришда иштирок этиш, яхши тайёрланган абитуриентлар ва талабаларни қабул қилиш имконияти ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўлади.

Шундай қилиб, кластер ёндашувининг моҳиятини тушуниш ва амалиётга татбиқ этиш таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун янги ресурслар ва имкониятларни излаш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Ташкилий ҳамкорлик кластернинг барча субъектлари рақобатбардошлигини оширадиган амалиётга йўналтирилган таълим муҳитини яратиш, касбий ўзини ўзи англашнинг индивидуал таълим траекторияларини қуришга имкон беради.

Хулоса.

1. Кластер ёндашуви ҳамда "Устоз-шогирд" аъёнлари уйғунлигида таълим-тарбияни ташкил этиш узлуксиз таълимни, фанлараро ва фан ичидаги интеграцияни таъминлайди, пировардида, амалиёт жараёнида таълим тизимини такомиллаштириш, жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ва амалга оширишга хизмат қилади.

2. Янги инновация сифатида замонавий кластер ёндашуви ва касбга ўргатиш борасида қадимдан шаклланиб келган аъонавий таълим-тарбия усуллари қўллаб-қувватлашга қаратилган "Устоз-шогирд" аъоналари уйғунлигида талабаларнинг ўқув

ва илмий-тадқиқот фаолиятларини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бу ёндашув айниқса, бадий ижодиёт соҳасидаги касбларга ўргатиш амалиётида самарали қўлланиб келинган. Демак, кластер ёндашувига асосланган таълим жараёнида ёш рассом-педагогларни тайёрлаш, тасвирий санъат таълими сифатини оширишда устозшогирд аъоналаридан фойдаланиш бадий таълим тизимида муҳим ўрин тутди. Қўллаб-қувватловчи муҳит, касбий ривожланиш, индивидуал маслаҳатлар, педагогик ва ижодий фаолиятга мослашишга кўмаклашиш ва ҳамкорликдаги лойиҳалар ОТМ битирувчиларини ҳаётини фаолиятга тайёрлайди, таълим бериш, билим олиш ва тарбия сифати кўтарилишига олиб келади. Устозлар билан бевосита ҳамкорлик ҳамда самимий муносабат битирувчилардаги ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда фаоллик, турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятда мужассам қилиш хислатлари тарбияланади.

Амалий тавсиялар.

1. Чирчиқ давлат педагогика университетида амалиётга татбиқ этилган интеграцион илмий-ижодий тадқиқотлар маркази фаолияти ҳамда лойиҳалар инновацион ёндашув сифатида қабул қилинаётган кластер ёндашуви билан бирга аждодларимиздан мерос сифатида "Устоз-шогирд" аъоналарининг уйғунлигини таъминлайди.

2. Тасвирий санъат ва дизайн кафедраси жамоаси ташаббуси бўлган кластер ёндашуви ҳамда "Устоз-шогирд" аъоналарига асосланган индивидуал таълим уйғунлиги бўйича эришилган натижаларидан бошқа турдош ОТМлар, коллежлар ҳамда умумтаълим мактаблари фаолиятида фойдаланиши натижасида ўзаро узвий алоқадорликдаги кўп босқичли бадий таълим тизими юзага келиши бу тажрибадан таълимнинг бошқа соҳаларида ҳам самарали қўлланилиши мумкин.

3. Бу орқали талабаларнинг ўқув, услубий, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун қулай "ижодий муҳит" яратиш мумкин, тайёрланаётган кадрлар компетентлигини мутахассис, буюртмачи ва жамоатчилик малака даражасига мослашти-

риш орқали таълим сифати ва самарадорлигида кескин ижобий ўзгаришларга эришилади.

4. Талабалардаги илмий (тадқиқотчи), касбий (устозлик), ижодий (бадий маҳорат) кўникмаларининг шакллантириш учун инновацион кластер ёндашуви ҳамда миллий анъаналарга асосланган “Устоз-шогирд” тизими

имкониятларидан унумли фойдаланиш мумкин.

5. Бу йўналишда ҳали тадқиқ қилинадиган вазифалар жуда кўп. Ушбу технологияларни ҳар бир йўналиш ва соҳаларда қўллаш имкониятлари устида изланишлар олиб бориш, мавзуга ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон).

3. Амиров С.Н., Омаров Х.Г. Обучение изобразительному искусству, проблемы и некоторые пути их решения. – <https://cyberleninka.ru/article/n/obuchenie-izobrazitelnomu-iskusstvu-problemy-i-nekotorye-puti-ih-resheniya>

4. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисолида). // “Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнали, 2016, № 4. -14 б.

5. <https://alfacasting.ru/faq/cto-takoe-obrazovatelnyi-klaster>

6. Шмелева Н. В., Саймиддинов А. К. Современное искусство в контексте практик преподавания: проблемы и перспективы // Art history and Culture / Juvenis scientia 2019 № 8. Стр. -27-30. <https://pdfs.semanticscholar.org/3bec/9b37ebe215715b15564235e49c1c0ab1a588.pdf>.

7. Данилов С.В. Кластерный подход как методологическая основа управления инновационными процессами в системе образования // Научное обозрение. Педагогические науки. – 2017. – № 5. – С. 42-59; URL: <https://science-pedagogy.ru/ru/article/view?id=1665> (дата обращения: 02.07.2024).

8. Бейзеров В.А. Кластерный подход к развитию образовательных систем как способ повышения конкурентоспособности образования стран и регионов /Известия Гомельского государственного университета имени Ф. Скорины, № 5 (92), 2015. <https://core.ac.uk/download/pdf/76001331.pdf>.

9. Синицына С.В., Зырянова Н.И. Значение кластерного подхода в профессиональном образовании https://elar.rsvpu.ru/bitstream/123456789/39206/1/avsorpo_2020_4_031.pdf

10. <https://nsportal.ru/shkola/administrirovanie-shkoly/library/2017/04/04/klasternyy-podhod-k-razvitiyu-obrazovatel'nogo>

11. Ou Syaoszyun Исследование развития университетских кластеров высокого уровня в районе Большого залива мирового класса: на примере Нью-Йорка, Сан-Франциско и

Токио // Журнал Сычуаньского университета науки и технологий (издание по социальным наукам). - 2018. - №33. - с. 83-100.

12. Ксенофонтова О.Л. Опыт зарубежных стран по созданию и функционированию кластеров: модельный подход // Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. - 2015. - №2(42). - с. 39.

13. Ketova, N.P., & Vey, S. (2021) Educational clusters in Russia and China: formation, management, development strategies. *Creative Economy*, 15(2), 393-410. doi: 10.18334/ce.15.2.111647 (in Russian).

14. Ketova, N.P., & Vey, S. (2021) Educational clusters in Russia and China: formation, management, development strategies. *Creative Economy*, 15(2), 393-410. doi: 10.18334/ce.15.2.111647 (in Russian).

15. <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnye-territorialnye-obrazovatelnye-klastery-zarubezhnyy-i-otechestvennyy-opyt#:> Г. У. Матушанский, Р. Р. Гарифуллина, Р.Ф. Бакеева. Инновационные территориальные образовательные кластеры: зарубежный и отечественный опыт.

16. Стенякова Н.Е., Груздова О.Г. Кластерная модель организации партнерства образовательных учреждений // Интернет-журнал «Мир науки» 2017, Том 5, номер 5 <https://mir-nauki.com/PDF/56PDMN517.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ.

17. Ксенофонтова О.Л. Опыт зарубежных стран по созданию и функционированию кластеров: модельный подход // Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. - 2015. - №2(42). - с. 39.

18. <https://bspu.by/klaster>;

19. Бейзеров В.А. Кластерный подход к развитию образовательных систем как способ повышения конкурентоспособности образования стран и регионов / Известия Гомельского государственного университета имени Ф. Скорины, № 5 (92), 2015. – стр.10-14.

20. Mukhamedov G., Khodjamkulov U., Shofkorov A. & Makhmudov K. (2020). Pedagogical education cluster: content and form. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 1(81), 250-257. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>;

21. Ходжамкулов У.Н. (2020). Педагогик таълим инновацион кластери (Ўзбекистон таълим тизими мисолида). *Academic research in educational sciences*, (4), 537-547.

22. Eralievich, S. K., Mukhamatsultonovna, M. I., Saidazimovich, B. I., & Turgunovich, A. R. (2020). The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05), 6586-6591.

23. [https://didacts.ru/termin/nastavnichestvo.html#:](https://didacts.ru/termin/nastavnichestvo.html#)

24. Маликова Д.Қ. Шарқ мамлакатларида “устоз-шогирд”лик анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши // «Science and Education» Scientific Journal / ISSN 2181-0842 April 2022 / Volume 3 Issue 4/ 1753 б.

25. Султанов, Хайтбой Эралиевич. «Нозима Комил қизи Маърифхўжаева, Юнусова Камола Устоз–шогирд анъанаси бардавом: анъана янги кўринишда/Международный научно-технический конференции “Проблемы и решения интеграции изобразительного искусства и инженерной графики с другими дисциплинами”.» (2020): 248-251.

26. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 ноябрдаги 44-2021-сонли буйруғи (рўйхат рақами 3076-1, 22.12.2021 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.12.2021 й., 10/21/3076-1/1181-сон); (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2018 й., 10/18/3076/2007-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.12.2021 й., 10/21/3076-1/1181-сон).

27. <https://practicum.yandex.ru/blog/nastavnichestvo-v-obrazovanii/>

28. Султанов Х.Э. Кластер ёндашуви орқали тасвирий санъат таълимида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш имкониятлари // San’atshunoslikning dolzarb masalalari: muammo va yechimlar // Respublika ilmiy-nazariy konferensiya to’plami/ - T: O’zDSMI. - 2024. -100-110 б.